



МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ХОРАЗМДА ҲАМ ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 22 сентябрь куни Хоразм вилоятида бўлди.

Дастлаб Амударёда қурилаётган кўприк кўздан кечирилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу кўприк лойиҳаси билан ўтган йили декабрда Хоразмга ташрифи чоғида танишган, кўп ўтмай унинг қурилиши бошланган эди.

Бугунги кунда қирғоқлар темир-бетон билан мустаҳкамланиб, кўприкнинг таянч устунлари қурилмоқда.

Лойиҳанинг қиймати 174 миллион доллар бўлиб, унинг эвазига 80 километрик темир йўл ва Амударё устида 413 метр узунликдаги кўприк барпо этилади.

Президентимиз қурилиш ишларининг боришини кўздан кечирди.

— Бу одамлар узоқ йиллар кутган лойиҳа. Энди янада кўп йиллар халқимизга хизмат қилиши керак. Шунинг учун биринчи ўринда сифат. Ажратилган маблағ кичкина эмас. Тажрибали мутахассисларни жалб этиб, ҳар бир жиҳатни ўйлаб, элимга, юртимга деб қуриш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу инфратузилмаларнинг самардорлиги жуда юқори. Масалан, Хоразм вилояти билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги темир йўл масофаси 240 километрга, вақти эса 6 соатга қисқаради. Маҳаллий юк ташиш ҳажми йилга 12 миллион тоннадан 25 миллион тоннага ошади. Шунингдек, халқаро транзитлар учун ҳам қулайлик кенгайди. Автомобиллар ҳаракати яхшиланиб, аҳолининг узоғи яқин бўлади.

Шундан сўнг Президентимиз Ўрганч шаҳрида Жалолиддин Манғуберди мажмуасининг қурилиш жараёнини кўздан кечирди.

Бу борадаги лойиҳа Президентимизнинг вилоятга аввалги ташрифи чоғида қўриб чиқилган, мутахассислар фикрлари асосида такомиллаштирилган эди.

Мажмуа шаҳарнинг Ал-Хоразмий ва Ислоҳ Каримов кўчалари кесишмасидаги қарийб 8 гектар майдонда барпо этилмоқда. Бугунги кунда ҳайкалнинг асоси қурилмоқда. Бронзадан Жалолиддин Манғубердининг от устида қилич тутиб турган ҳайкали ясалган. Унинг асоси билан бирга жами баландлиги қарийб 25 метр бўлиб, узоқдан ҳам кўриниб туради.

Давлатимиз раҳбари мажмуа мазмунини бойитиш, шароитларини яхшилаш бўйича кўрсатмалар берди.

— Бу ер билим, маънавият, гурур маскани, ёшлар учун ибрат мактаби бўлиши керак. Келганлар айланиб ҳордиқ чиқариши билан бирга, Манғуберди бобомиз ҳаётини яққол тасаввур қилиши, бундан руҳ олиши керак. Ҳиёбон бўйлаб унинг жанглари, қаҳрамонликлари ҳақида лавҳлар ёзиб қўйиш мумкин. Тарихни ва чет тилларини яхши биладиган гидлар тайёрлаш ҳам зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Дарҳақиқат, миллатимиз фахри Жалолиддин Манғубердининг ҳаёти, унинг тарихимиздаги ўчмас жасорати ёш авлод учун ўзига хос намунадир. Унинг ҳаёт йўли ёш авлодни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, инсонларни комилликка етаклаш, мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда муҳим маънавий қалқон вазифасини ўтайди.

Президентимиз Ал-Хоразмий кўчаси бўйлаб қурилган ерости йўлини ҳам кўздан кечирди.

Кенглиги 17 метр, баландлиги 5 метр бўлган ушбу туннель соатига 3,5 минг автомобилни ўтказиш қувватига эга бўлади. Таъкидлаш жоизки, ерости автомобиль йўли қурилиши вилоятлар ичида илк бор Хоразмда амалга оширилмоқда.

Қурилиш ишлари биттач, ҳудуд ободонлаштирилиб, манзарали даҳлатлар экилади, фавворалар барпо этилади. Пйедалар ва велосипед йўлаклари, туризм хизматлари ташкил этилади.

Мажмуаи эксплуатация қилишни тўғри йўлга қўйиш, бу ерда байрам тадбирлари, фестиваллар ўтказиш учун ҳам шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент кортежи Хива тумани Шомохулум маҳалласида тўхтади. Давлатимиз раҳбари бу ерда яшовчи Комил Раҳимов хонадонига кириб, аҳолининг яшаш шароитлари билан қизиқди.

Комил ота узоқ йиллар қишлоқ хўжалигида ишлагани, турмуш ўртоғи Сония ая билан икки фарзандни тарбиялаб вояга етказганини сўзлаб берди. Охириги йиллардаги имкониятлар натижасида янги уйга эга бўлгани, фарзандлари университетга ўқишга кирганини айтди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, Хоразм вилоятидаги ўзгаришлар ҳақида самимий суҳбат бўлди. Хонадон эгалари бу ўзгаришларни ҳар бир одам ўз ҳаётида сезаётгани, турмуш даражаси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётганини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Хива шаҳрида Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.

Президентимиз Хива гилам комбинати фаолияти билан танишди.

Илгари бу жой фойдаланилмай турган бино эди. 2020 йил сентябрда унинг ўрнида замонавий комбинат ташкил этилди. Бу йил август ойида лойиҳанинг иккинчи босқичи ишга туширилди.

Корхонага Германия, Бельгия, Австрия, Швейцария, Италия, Франция ва Туркиядан энергия тежовчи ускуналар келтириб ўрнатилган. Бу ерда полипропилен ил, гилам ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар АҚШ, Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Тожикистонга экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнини ва шурумин кўздан кечирди.

Комбинатда 250 та иш ўрни яратилган. 2022 йилда учинчи босқич — акрил толасидан калава тайёрлаш лойиҳаси амалга оширилади. Натижада ишлаб чиқариш қуввати йилга 2,2 миллион квадрат метрга етади. Маҳсулотнинг 45 фоизи чет элга сотилиши, йиллик экспорт 5 миллион доллардан ошиши кутилмоқда.

Президентимиз маҳсулот турларини кўпайтириш, бошқа туманларда ҳам шундай корхоналар ташкил этиш юзасидан топшириқлар берди.

Шу билан Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига сафари якунига етди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Ўза мухбирлари



Газетамизнинг бугунги сонида сайловолди ташвиқоти доирасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди ташвиқоти бўйича мақола чоп этилмоқда. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-бетга қаранг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

“ОЧИҚ БЮДЖЕТ” АХБОРОТ ПОРТАЛИ ОРҚАЛИ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ АСОСИДА ШАКЛЛАНГАН ТАДБИРЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Фуқароларни бюджет жараёнига жалб қилиш механизмининг ишга туширилиши жойларда аҳолини қийнаб келаётган муаммоларнинг ечимини топиш ва жамоатчилигини бюджет жараёнининг иштирокчисига айлантиришда алоҳида восита бўлиб хизмат қилмоқда.

2021 йилда ўтказилган ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида фуқаролардан келиб тушган мурожаатларда баён этилган ўринли ва долзарб муаммоларни қисқа мuddатларда бартараф этиш, давлат бюджетини шакллантириш ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш мақсадида:

1. Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тарақиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан 1-иловага мувофиқ 2021 йил 1 октябрга қадар:

Фуқаролар ташаббуси жамғармасида (кейинги ўринларда — Жамғарма) 1 миллиард сўмдан кам маблағ шакллланган туман ва шаҳарлар учун **қўшимча 57,9 миллиард сўм**;

“Очиқ бюджет” ахборот портали орқали келиб тушган тақлифлар сони 100 тадан ортиқ бўлган туман ва шаҳарларга **қўшимча 59,5 миллиард сўм** маблағ ажратиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 январдан** бошлаб туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтирилади.

Молия вазирлиги икки ой муддатда ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизини “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилансинки: туман ва шаҳар ҳокимлари Жамғармага маблағларнинг ўз вақтида ўтказилиши ҳамда Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши бўйича **шахсан жавобгар ҳисобланади**;

туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан ҳар чорақда чорақдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш бўйича

маълумотлар ўзларининг **расмий веб-сайтлари** ва “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштириб борилади; мазкур банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган қоидалар бузиш бюджет жараёнининг очилкигини таъминлаш тартибини бузиш деб баҳоланади.

4. Молия вазирлиги:

уч ой муддатда “Очиқ бюджет” ахборот портали ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида ташаббусли бюджетлаштириш натижалари бўйича маълумотларни жойлаштириб бориш тартиби ва шакллари тасдиқласин;

халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида ҳудудлар томонидан йўл қўйилган камчиликларнинг таҳлиллари асосида ушбу жараёни такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қилиб бориш;

фуқароларнинг ташаббусли бюджетлаштириш жараёнига жалб этилиши даражаси бўйича **ҳудудлар рейтингини жорий этсин** ҳамда уни “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштириб бориш;

ташаббусли бюджетлаштириш жараёнини бошқаришда молия органларининг вазифаларини аниқ белгиланган ҳолда мазкур жараёни мувофиқлаштириб бориш.

5. Ташаббусли бюджетлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқласин.

6. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда:

ташаббусли бюджетлаштириш жараёнини амалга ошириш механизми ва унинг моҳиятини аҳоли ўртасида тизимли равишда кенг ёритиб борилишини таъминласин;

ҳар бир маҳалла ва овулда “Очиқ бюджет” ахборот порталида тақлиф қолдириш ва овоз бериш жараёнига қўмақлашувчи “мобил” гуруҳлар ҳамда **“ташаббускорлар бурчаги”**ни ташкил этсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А.Ишметов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Қўқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 22 сентябрь

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

МУНОСИБ МЕҲНАТ ДАСТУРИ

уйғун ва барқарор ривожланишнинг муҳим омили



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Ўзбекистон Республикасининг 2021–2025 йилларга мўлжалланган янги Муносиб меҳнат дастурини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева, Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) бош директори ёрдмчиси Хайнц Коллер, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Нозим Хусанов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерацияси раиси Илҳом Ҳайдаров ва БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори вазифасини бажарувчи Ю Ю иштирок этди.

Давоми 5-бетда

ЎЗБЕКИСТОН – ҚИРҒИЗИСТОН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеш Торағаси Т.Мамитовнинг тақлифига биноан, 21 сентябрь куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.



Бишкек халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Жогорку Кенеш Торағаси ўринбосарлари А.Касималиева ва Н.Садиғалиев ҳамда Қирғизистон Республикаси парламентидаги Ўзбекистон билан дўстлик гуруҳи раҳбари М.Бакиров кутиб олди.

Қирғизистонга расмий ташриф чоғида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Қирғизистон Республикаси Президенти Садир Жапаров, Жогорку Кенеш Торағаси Талант Мамитов билан учрашди ҳамда “Қирғизистон ва Ўзбекистон тадбиркор аёллари мулоқоти” бизнес-форумида иштирок этди.

Икки томонлама келишувларнинг амалда бажарилишига ургу қаратиш

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ва Қирғизистон Президенти Садир Жапаров ўртасида очик ҳамда дўстона руҳда ўтган учрашувда икки томонлама муносабатлар, жумладан, мамлакатлар ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давоми 3-бетда

МЕН НЕГА ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА ОВОЗ БЕРАМАН?



Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Президенти лавозимига номзод сифатида тасдиқлади. Сайловда номзод сифатида иштирок этувчилар тўлиқ маълум бўлди. Ва бугун шу воқеликдан — айнан ана шу номзодлар орасидан бирини танлаш имконимиздан келиб чиқиб, айтаманки, уларни таққослаганда Шавкат Миромонович Мирзиёев қатор кўрсаткич ва фазилатлари, тажрибаси ва мақсад сари қатъияти билан афзалликка эгадир. Сайловда иштирок этаётган томонларнинг реал салоҳиятидан келиб чиқиб, кимгадир овоз берадиган инсоннинг ўз сабаблари ва аргументлари бўлади. Менда ҳам бу танлов учун сиёсий, ижтимоий ва ҳатто шахсий сабаблар ҳам бор.

ТАРИХИЙ АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

Мен Ургутнинг тоғли Ёўс қишлоғида туғилиб, аста-секин эсимни таний бошлаганимдан, кўча-кўйда отамни “Ҳаким босмачи” дейишларига ҳайрон қараганман. 1990 йилда Олий кенгаш депутатлигига номзодим қўйилганда гайир одамлар “Бу босмачининг невараси, совет парламентиға қандоқ сайлаш мумкин?!” деб очиқчасига ташланганди. Кейинчалик отамнинг бобоси Ибодулла кўрбоши бўлгани ва отилганини, бобомнинг отаси ҳам қизил аскарлар томонидан Испанза йўлида ўлдирилганини билганман. Менда отамнинг онаси — Зулфия момом айтиб берган хотиралар, уларнинг биттагина сурати сақланган. Зулфия момом отамнинг онаси, Ибодулла кўрбошининг қизи эди.

СССР даврида Қодирий, Қўлпон чала оқланди. Кейинчалик Горбачёв пайти жадидларни оқлашга яна бир уриниш бўлди. Мустақиллик даврида шиддат билан бошланган жадидларни оқлаш ва Шаҳидлар хотираси музейи тиклангани ҳолда, уларни оқлаб бўлмайди, бу оқим “мураккаб ва чигал”, деган баҳонада яна архивлар ёпилди.

Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 8 октябрдаги “Қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишига асосан муайян сабабларга кўра реабилитация қилинмай қолиб кетган қатағон қурбонларининг номларини оқлаш ва уларнинг хотирасини абадийлаштириш масалалари бўйича ишларни амалга ошириш мақсадида ишчи гуруҳи тузилди. Олий судга 2021 йил 24 февралда 115 нафар шахсга нисбатан 6 та жиноят иши келиб тушган бўлиб, улар ишчи гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилди.

Мазкур жиноят ишларида суд мажлиси баённомаси ёки суд ҳужжатлари (ҳукм ёки бошқача қарор) мавжуд эмаслиги, ишларда фақатгина Бирлашган давлат сиёсий бошқармасининг уқлик мажлиси баённомасидан кўчирма борлиги аниқланган.

2021 йил 25 август кuni жиноят ишлари Олий суд раиси ўринбосари Икром Муслимов раислигида ўтказилган очиқ суд мажлисларида кўриб чиқилиб, келтирилган протестлар қаноатлантирилди. ЖПКнинг 83-моддасига асосан жами 6 жиноят иши бўйича 115 нафар шахс оқланди. Суд жараёнида ишлар бўйича ҳимоячи сифатида иштирок этаётган Маъруф Алиев ишлари кўриб чиқиладиган шахслар “босмачи” тамғаси билан қамалгани, отилгани аянчли иш бўлганини қайд этди. “Улар ўз Ватанида яшаб қандай босмачи бўлсин, ахир босмачи четдан кириб келган бўлиши керак эмасми”, дея таъкидлади у.

Мустақилликкача ва кейинги 25 йилда “босмачилар”ни оқлашга журъат қилинмади. Фақатгина Шавкат Мирзиёевгина бу ишга мардона қўл урди. Мен шунинг учун ҳам унга овоз бераман ва ислохотларини пойдор қилишини астойман.

АДАБИЁТГА ЭҲТИРОМ

Эсимда бир замонлар Ёзувчилар уюшмасининг Пушкин кўчасидаги тарихий биноси тортиб олиниб, кейинчалик қайсидир банк ихтиёрига бериб юборилди. Шундай нуфузли ижодкорлар ташкилоти қайлардадир кўчиб юрди ва ҳозирги “Хумо арена”си рўпарасидаги Шароф Рашидов ёзувчилар учун тиклай бошлаган бино ҳам алаҳоқибат Миллий банкка берилди.

Фақат Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгандан кейингина ёзувчи-ижодкорлар учун янги бино қуриб берилди, бошпанасиз ижодкорларга имтиёзли кредит асосида уйлар ажратилди, мухташам Адиллар хиббони барпо этилди, ёнида кутубхона қурилди, айниқса, Дўрмон ижод уйидаги шароитлар яхшиланди. Зоминда ва Паркентда ижод уйлари қуриб, фойдаланишга топширилди. Очиғи, уюшма аъзолари учун яратилган имкониятлардан беҳад хурсандман.

Яқиндагина “Абдулла Қодирийнинг уй-музейи борми?”, “Қодирий ҳовлиси жойлашган “Самарқанд дарвоза” маҳалласи бузилиш арафасида...”, дея матбуот, ижтимоий тармоқларда бонг ургандик. Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан маҳалла ҳам ўз жойида қолди, Қодирий бобомизнинг музейи ҳам богда очилди, улугъ адабимизга ҳайкаллар қўйилди, Қодирий ижод мактаби яратилди. Бу ишлар ҳам минг йилдан буён бордай, ёдимиздан чиқди...

Шавкат Мирзиёевни қўллаб-қувватлар эканман, адабиётимиз, маънавиятимиз учун қилган ана шундай беқийёс хизматлари учун овоз бераман!

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Шу кунларда ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги масалалари бўйича вакили Тереза Рибейру юртимизда бўлиб, учрашувлар ва анжуманлар ўтказмоқда. Бу сўз эркинлиги тақдирини учун катта ҳодисадир.

Биламизки, БМТнинг қийноқлар бўйича маърузачиси, қочқинлар масаласи бўйича комиссари, дин масалалари бўйича маърузачиси каби халқаро институтлар ҳам мавжуд. Ўзбекистон БМТ аъзоси ва унинг халқаро мажбуриятлари бор. БМТ ва ЕХХТ вакиллари ва маърузачилари ана шу ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилишни сўроқлаш учун келади. Халқаро ҳуқуқнинг устуворлигини Конституциямиз эътироф этади. Лекин неча ўн йиллар мобайнида бирорта маърузачи, шу жумладан, сўз эркинлиги бўйича маърузачи Ўзбекистонга киритилганини шахсан мен эсполмайман. Ва фақат Шавкат Мирзиёев Президент этиб сайлангандан сўнггина ушбу нуфузли ташкилотларнинг вакиллари ва маърузачилари Ўзбекистонга ташриф буюра бошлади. Хатоларимизни ва камчиликларимизни тан оляммиз, биргаликда тузатиш йўлларини излаяпмиз. Сўз эркинлигида собитлик янги сиёсатнинг асосий таркибий қисми ва асосий ютуқларидан биридир.

Аёнки, ислохотлар оғир ва машаққатли кечмоқда. Консерватив кучлар ҳам осонликча ён бермайди, коррупцияни йўқотиш қийин бўлмоқда, маъмурий, сиёсий ва



ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХАН ҚИСҚА ФУРСАТДА БУТУНЛАЙ ЯНГИЧА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ, ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ ВА МАДАНИЙ МУҲИТ ЯРАТИЛДИ. МАМЛАКАТНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ ВА НУФУЗИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ” ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. НИЯТЛАР ЯНАДА КЎЛАМЛИ: “ЎЗБЕКИСТОНДА 2030 ЙИЛГА БОРИБ АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ТЎҒРИ КЕЛАДИГАН ДАРОМАД 4 МИНГ ДОЛЛАРДАН ОШИРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА”.

иқтисодий ўзгаришларнинг залворли қисми олдинда турибди. Муаммолар ҳақида мен ҳам тинимсиз ёзиб келяпман. “Даракчи”да бир йилда элликта танқидий мақолам чиқди. Яна ёзамиз, ё насиб.

Мен охириги йилларда ўнлаб романлар ва бошқа асарларни ўзбек тилига ўгирдим. Улар орасида, турк ошқ шеърляти, жаҳон шеърляти антологияси, Сенекка, Платон, Вольтер, Монтен, Паскал, Вовенарг, Ларош-фуко, Лабрюйернинг фалсафий асарлари, жаҳон халқлари ҳикматлари, Генри Форднинг “Менинг ҳаётим”, Жорж Оруэлнинг “1984” ва “Молхона” романлари ҳамда Малколм Гладуэлнинг “Даҳолар ва уддабуронлар” асарлари бор. Мен ўзимга сўз учун йўл очилгани билан бирга, таржима қилган асарларим ҳам узоқ вақт тақидда бўлганини биламан. Ахир, дейлик, Оруэлнинг “1984” романи совет даврида уч нусхада Сиёсий бюро учун тайёрланган, халқдан сир сақланган. У янги Ўзбекистонда чоп этилди ва уч йил ичида беш марта қайта нашр қилинди. Шунингдек, Муссолини даврига тааллуқлилиги учун аввал чоп этилмаган итальян модернистлари

Дино Буццати, Жованни Папини, Коррадо Алваро, Марчелло Вентури ҳикояларини таржима қилдим. Охириги йиллар ичида “ОАВ қонунчилиги тўғрисидаги 156 саволга 156 жавоб”, “Журналистика ҳуқуқи” сингари дарслик ва қўллапмаларим нашр этилди.

Бугун медиаюрисист, медиаэксперт, шоир ва таржимон сифатида бемалол ишлаяпман. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Жамоатчилик кенгаши раисиман, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида медиа ҳуқуқи ва ахлоқи, коррупция ва матбуот сингари фанлардан дарс бераман. Буларнинг бари янги даврнинг шарофати ва буни инкор эта олмаймиз.

Шавкат Мирзиёев сўз эркинлиги имкониятини кенгайтиргани баробарида қатор сиёсий маҳбусларни, йигирма йиллаб қамоқда ўтирган раҳматли Мамадали Маҳмудов сингари адибларимизни оқлади, уларга уй-жой берди, Аллоҳ раҳмат қилсин, Гулчехра Нуруллаева-ни Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига тиклади. Албатта, бу инсонлар тикланишга ҳақли, ноҳақ жабрланган эди.

Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган O'zLiDeP съездида яна бир бор айтиб ўтди: “Мен ҳақиқат ва адолатни ўз эътиқоди деб билдирган барча журналистларни ислохотларнинг фаол иштирокчилари деб биламан ва улар ҳамisha Президент ҳимоясида бўлади”... Мен, гарчанд чидаш осон бўлмаса-да, танқидларга тоқат қилинаётгани, айрим мансабдорларнинг норозилигига қарамай, Шавкат Мирзиёев сўз эркинлиги масаласида собитлиги учун ҳам унга овоз бераман!

ИСЛОҲОТЛАР МАШАҚҚАТИ ВА ҚАРОРДА СОБИТЛИК

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан Президентликка номзоди кўрсатилган Шавкат Мирзиёевга осон эмас. Мамлакатдаги барча ижобий ишларни унинг номи билан ҳақли боғлаймиз. Лекин, табиийки, ислохотларнинг олға силжишига ҳалақит қилаётган омилларни, бошқа кўзга ташланадиган камчиликларнинг масъулиятини ҳам унинг сиёсатиға боғлашлар бор. Лекин у халқни эзгу мақсадда ҳамкорликка чорлаяпти ва “келажак учун масъулият барчанинг зиммасида эканини” бежиз алоҳида таъкидламаяпти.

Шавкат Мирзиёев буни сайлов билан боғлади: “Ҳеч қачон унутманг, сайлаш ва танлаш ҳуқуқи — сизнинг қўлингизда”, деди. Яъники, номзодни танлар эканмиз, унинг дастурини ҳам танлаган бўламиз ва бу ислохотларни ўтказишда барчанинг нафақат хайрихоҳлиги, балки шахсий иштироки ва амали зарур бўлади.

Мен пахта теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатни мониторинг қиладиган қўллаб халқаро лойиҳаларда иштирок этганман. Шавкат Мирзиёев: “Яқин-яқингача 6-7 миллион аҳолимиз, айниқса, болалар пахта теримиға “ихтиёрий-мажбурий” сафарбар этиларди”, дея эътироф этди. Болаларнинг пахта теришиға барҳам берилди. Бу катта ютуқдир. Қаршимизда аграр ислохотлар турибди, ер ўз эгасига берилиши, унинг соҳиби фойдали экин экиши ва ўз маҳсулотиға ўзи эгалик қилиши керак. Мўлжал аниқ ва адолатли, асосийси, шу йўлда собитлик мавжуддир.

Ўзбекистонда тарихан қисқа фурсатда бутунлай янгича сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий муҳит яратилди. Мамлакатнинг обрў-эътибори ва нуфузини оширишға қаратилган “Янги Ўзбекистон стратегияси” ишлаб чиқилди.

Ниятлар янада кўламли: “Ўзбекистонда 2030 йилга бориб аҳоли жон бошиға тўғри келадиған даромад 4 минг доллардан оширилиши режалаштирилмоқда”, деди Шавкат Мирзиёев.

Шаҳардаги ўнта бойнинг бойлигини шу шаҳардаги бутун аҳоли сонига тақсимласа, осонгина 4 минг доллардан ўртача рақам чиқариш мумкин. Лекин ниятимиз бу даромад ҳар бир инсонға тегишли бўлган жамиятдир.

Бу ниятларға эришиш осон бўлмайди, чунки эскича фикрловчилар, қаллоблар, порахўрлар, фирибгарлар ҳам осонликча жон бермайди. Муаммолар ҳам бўлади. Муҳими, уларға кўз юмилмайди, муаммоларни айтган оғизлар беркилмайди, давлат раҳбари ўз сўзида собит туради. Шундай ишонч ва умидда собитлигимиз учун Шавкат Мирзиёевға овоз бераман!

ОДАМГАРЧИЛИК

Онамнинг исми Қумри эди. Бу бир мусича монанд бир қўшнинг исми эканини вояға етганимдан кейин билганман. Онам ростдан ҳам мусичадай беозор, хокисор инсон бўлган.

Албатта, кишиға ўз онаси ҳаммадан яхши кўринса керак. Аммо бугун эсимни таниган кунларимдан буён ўтган тарихимизни ёдлар эканман, онамнинг бирор марта бақирганини ёки қўни-қўшни билан жанжаллашганини, овозини баланд кўтарганини эслай олмайман.

Умримнинг тўртдан учи бошқа шаҳарларда ўтди, ўтапти. Бу она учун жуда оғир... Буни бугун тушунаман. Айниқса, ўша пайтлар ҳамма қишлоқда эди, ўқиган кам эди (Бугун ҳамма шаҳарда ё хорижда). Қўшни хотинлар: “Нима, шу ерда нон йўқми, шаҳарда ўқиб профессор бўлармиди?!” деб онамга кўп кесатган. Ўқшни туғатиб ҳам яна шаҳарда ўланиб, қолиб кетдим. Онамнинг умри йўл қараб ўтди. Онамни доим йўл қараб турган ҳолда тасаввур қиламан.

Холапаримнинг “Онанг йўлингға қарай-қарай оламдан ўтиб кетди”, деган дашномларини ич-ичдан тушунаман. Айбдорман. Энди, мана, ўзим болаларимнинг йўлиға қарайман. Шу тахлит кун ўтади. Бир кун англаймизки, ўтган фурсат кун эмас, умр экан. Умр ўтиб кетибди...

Беморликда ёзган шеъримда ҳам: “Ўлгим келмаяпти, онажон!” деб ёзганман. “Ўлгим келмаяпти, Аллоҳим”, десам тўғри бўларди. Оғир кунда она эсга тушаркан. Энди эса Аллоҳдан онамизға жаннат боғларини сўраймиз.

Бугун буларни яна эслаганимнинг сабаби — онам вафот этганида, Ургутга, тоғ қишлоғиға фотиҳаға ўша пайтдаги Президентнинг давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқов, Олий таълим вазирини Оқил Салимов, Адлия вазирини Алишер Мардиев билан бирга Шавкат Мирзиёев ҳам Илҳом исмли офицер йигит билан борган. Отамнинг кўнглини сўраган. Шавкат Мирзиёевда одамгарчилик жуда кучли ва барча даврда унга собит бўлган.

Бош вазирлик пайтлари буюк шоиримизнинг навқирон фарзандлари вафот этганида келиб ҳол сўраган ва қўярда-қўймай маросим харажатларига пул ташлаб кетганини кўрганман. Эркин Воҳидов вафот этганда тонг-сахардан келди, ярим соатларча ичкарида ўтириб, кўзлари нам ҳолда чиқди. Бироздан кейин бутун маҳалла икки соат ичида янги-дан асфальт қилинди. Чиқариш олдида яна келиб ўтирди.

Бугун ҳам вафот этган таниқли инсонларнинг, Анвар қори Турсунов, муфтий ҳазратлари Усмонхон эшон бобо сингари улаомларнинг, тождор вирус туфайли ўлган ҳокимларнинг хонадонига шахсан бориб, фотиҳа қиладиганини кўряпмиз. Қачон, қайси юрт раҳбарида бундай одамгарчилик бўлган?!

Мен мана шу одамгарчилиги учун ҳам Шавкат Мирзиёевга овоз бераман ва унинг бу шарафли йўлда собитлигиға ишонаман!

Карим БАҲРИЕВ, ёзувчи



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги Раёсат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 мартдаги қарори билан тасдиқланган Товар-хомашё биржалари фаолиятига илғор ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва электрон тижорат фаолиятини изчил ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” ижро этилишини таъминлаш юзасидан Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси, шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идоралар раҳбариятининг ҳисоботи эшитилди.

Раёсат мажлисида Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси томонидан биржанинг ахборот технологиялари инфратузилмасини янада такомиллаштириш, амалдаги электрон савдо платформаларини модернизация қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳудудий филиаллар ва савдо майдончалари фаолиятини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чоралар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, келгусида мазкур соҳанинг ривожланиш йўналишлари белгиланган олинди.

Юқори ликвидли ва монополь товарларини сотиш жараёнларида бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш, биржа савдоларига замонавий товар деривативларини, шу жумладан, фьючерс шартномаларини жорий этишни таъминлаш юзасидан монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси Ш. Шорахметов ҳамда Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси бошқаруви раиси З. Бадриддиновнинг ҳисоботлари тинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайд қилинган қарорига мувофиқ, фақатгина биржа савдолари орқали сотилиши белгиланган юқори ликвидли маҳсулотлар сони 38 тадан 45 тага оширилди, 2021 йилнинг ўтган 8 ойи мобайнида биржа савдолари товар айланмаси 53,7 триллион сўмга етди ёки ўтган йилнинг мс даврига нисбатан 1,6 баробарга ўсди. Бунда, нархларнинг аукцион тартибда шаклланиши ҳисобига сотувчи корхоналар томонидан қўшимча 2,9 триллион сўмлик ёки ўтган йилнинг мс даврига нисбатан 2,2 баробарга кўпроқ қўшимча даромад олиниши таъминланди.

Хусусан, 2021 йилнинг ўтган даврида биржа савдолари орқали илк бор 21,2 минг тонна — поливинилхлорид (ПВХ), 1,3 минг тонна — формалин, 647,7 минг декалитр — истеъмол ва техник этил спирти, 224 кг — кумуш, 5,9 тонна — экстракция пахта мойи, 120 тонна — нефть ва 480 тонна — газ конденсати каби янги маҳсулотларнинг сотилиши таъминланди.

Шунингдек, қайд қилинган қарор ижроси доирасида, биржа савдоларида реализация қилинаётган маҳсулотларни охириги истеъмолчисига етказиб беришни тўлиқ рақамлаштириш мақсадида, шаффоф навбат тизимини назарда тутувчи “Электрон логистика савдо портали” (transport.uzex.uz) дастурий таъминоти ишлаб чиқилди ва 2021 йил 1 сентябридан бошлаб тўлиқ ишга туширилди.

Ўтказилган тизимли такомиллаштириш натижаси сифатида, барча мавжуд электрон савдолар тизимини бирлаштирган xarid.uzex.uz Давлат харидлари махсус ахборот порталининг янги форматда ишга туширилиши ҳисобланган.

Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида ушбу платформада 52,5 мингдан ортиқ давлат харидорлари, шу жумладан, 19,3 мингта корпоратив буюртмачилар рўйхатдан ўтказилган. Улар томонидан жами 5,7 триллион сўмлик харидлар амалга оширилган ва бунда бошлангич нархнинг пасайиши ҳисобига иқтисод қилинган маблағлар ҳажми 1,1 триллион сўмни ташкил этган.

Биржа аъзолари малакасини ошириш бўйича ишлар ҳам тизимли йўлга қўйилган бўлиб, 2021 йил май-июнь ойларида 2 500 нафардан ортиқ брокер-трейдерлар учун жойига чиққан ҳолда илғор тажрибага эга мутахассислар иштирокида ўқув курслари ташкил қилинди ва уларга тегишли малака сертификатлари топирилди.

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида биржа савдоларининг келгуси ривожланиш муҳим босқичларидан бири — дериватив молиявий

воситаларни амалиётга жорий қилиш мақсадида АҚШ Савдо вазирлигининг Тижорат ҳуқуқини ривожлантириш дастури (CLDP) маслаҳатчиси Майкл Кофилд, Товар фьючерс савдолари бўйича комиссияси (CFTC) директори ўринбосари Кевин Пикколи билан музокаралар ўтказилди ва товар деривативлари бозорини жорий қилиш масалаларида ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қайд қилинган қарори мазмун ва моҳиятини тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли ўртасида кенг ёритиш ва тарғиб қилиш чора-тадбирларини назарда тутувчи медиа-режа ишлаб чиқилиб, унга мувофиқ, 2 та матбуот анжумани ва маҳаллий ҳокимлик ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан 20 га яқин учрашувлар ўтказилиши, шунингдек, видеороликларни эфирга узатиш, теледастурларни намойиш этиш ва кўрсатилган мавзу бўйича интервью, мақолалар чоп этилиши ташкил қилинди.

Шу билан бирга, мажлисда “Ўзбекнефтегаз” АЖ томонидан қарорда белгиланган нефть ва газ конденсати маҳсулотини мажбурий равишда биржа орқали сотишни ташкил этиш жараёнида йўл қўйилган камчиликлар, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, “Усанотқурилишматериаллари” уюшмаси томонидан айрим хусусий цемент ишлаб чиқарувчиларини биржа савдоларига жалб қилишда суст-кашликка йўл қўйиб келаётганликлари танқид остига олинди.

Раёсат мажлисида юқори ликвидли ва монополь турдаги маҳсулотларни ички бозорда фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида сотилишини таъминлаш, шунингдек, биржанинг ахборот технологиялари инфратузилмасини янада такомиллаштириш ҳамда янги молиявий инструментларни амалиётга кенг жорий этишни давом эттириш мақсадида вазирлик ва идоралар раҳбарлари олдида турган биринчи галдаги вазифалар белгиланган берилди. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

жорий йил якунига қадар биржанинг янги SPOT савдо тизимини ҳамда электрон логистика хизматларини тўлиқ ишга тушириш орқали биржа савдо платформалари умумий товар айланмасини 70,0 триллион сўмга етказиш вазифаси юкланди;

қисқа муддатларда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, қазиб олувчи (газни қайта ишловчи, ишлаб чиқарувчи) ташкилотлар томонидан нефть ва газ конденсатини ҳамда хусусий цемент корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган цемент ҳажмининг камида 50 фоизини ички бозорда фақат биржа савдолари орқали бозор тамойиллари асосида реализация қилинишини таъминлаш;

2022 йил 1-чорак якуни бўйича товар деривативларини ривожлантириш лойиҳасини жорий қилишда Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси ва АҚШ Савдо вазирлиги ҳамда Товар фьючерс савдолари бўйича комиссияси (CFTC) ўртасида эришилган келишув доирасида фьючерс савдолари тизимини ишга тушириш;

илғор хорижий тажрибага эга мутахассисларни жалб қилган ҳолда, фьючерс бозори иштирокчилари ҳамда маҳаллий брокерлик идоралари ва трейдерлар учун ўқув-амалий курсларни ташкил қилиш;

Қарор билан белгиланган берилган вазифалар ижросини ўз муддатида ҳамда сифатли бажарилиши юзасидан барча даражадаги раҳбарларнинг шахсий масъулияти белгиланган олинди.

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати мажлиси якуни бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРГИЗИСТОН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИ

Бошланиши 1-бетда

Қирғизистон раҳбари Ўзбекистон делегациясини самимий қутлар экан, Ўзбекистон — Қирғизистон ўртасида олий даражадаги мунтазам ва самарали алоқалар натижасида эришилган дўстлик, аҳил қўшничилик ва стратегик ҳамкорликнинг бугунги даражасини мамнуният билан қайд этди.

— Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистонга амалга оширилган давлат ташрифи биз ва бутун Қирғизистон халқи учун катта аҳамиятга эга бўлди, ташриф натижалари барча долзарб муаммолари масалаларни ҳал этишга кўмаклашди, — деди Президент Садир Жапаров.

Шу нуктаи назардан, Қирғизистон Президенти кун тартибида турган долзарб масалалар, жумладан, давлат чегарасини делимитация қилишни яқунлаш, энергетика ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлик, савдо-иқтисодий ва трансчегаравий ҳамкорликни фаоллаштириш, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга доир масалалар тезкор ҳал этилишига ишонч билдириди.

Чегарадош ҳудудлар ва ишбилармон доираларни жалб қилган ҳолда, янги ташаббуслар ва аниқ лойиҳаларни илгари суришда Ўзбекистон ва Қирғизистон парламентларининг фаол иштироки муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Қирғизистон Республикаси раҳбари гендер сиёсатини амалга ошириш, хотин-қизлар ҳимояси ва ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги Ўзбекистон савй-ҳаракатлари, шу жумладан, мамлакатимиз раислигидаги “Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти” форуми фаолиятига юқори баҳо берди.

Садир Жапаров икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун яна бир муҳим майдонга айланган “Қирғизистон ва Ўзбекистон тадбиркор аёллари мулоқоти” халқаро бизнес-форуми фаолиятига муваффақият тилади ҳамда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришни тўлиқ қўллаб-қувватлашга тайёригини билдирди.

Президент Садир Жапаров Танзила Норбоевнинг ташрифи давлатлараро муносабатларга қўшимча туртки бериш ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш нуктаи назаридан муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўзбекистон парламенти юқори палатаси раҳбари самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг самимий кутловини етказди.

Томонлар Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари ўртасидаги музокаралар чоғида эришилган келишувлар амалда бажарилишига кўмаклашишда икки мамлакат парламентлари муҳим ўрин тутишини таъкидладилар.

Парламентлар ўртасидаги ҳамкорлик самарали давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева ва



Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеші Торағаси Т. Мамитов ўртасидаги учрашувда парламентлараро алоқаларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари, шунингдек, минтақалар ва икки мамлакат пойтахти ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида фикр алмашилди.

Тораға Ўзбекистон ва Қирғизистонни умумий тарих, анъаналар, маданият ва тил боғлаб туришини таъкидлади. Халқларимиз доимо ёнма-ён, ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик тамойилларига риоя қилиб йшаган.

— Бу бойлики, қардош давлатларимизни боғлаб турувчи дўстликни асраб-авайлаш, уни улғайиб келаятган авлодга етказиш муҳимдир, — деди Т.Мамитов.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларга юксак баҳо берар экан, Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеші Торағаси Т. Мамитов Ўзбекистон билан ҳамкорлик Қирғизистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Бундан ташқари, Жогорку Кенеш Торағаси парламентлар ўртасидаги ҳамкорлик самарали давом этаётганини қайд этди. Хусусан, Олий Мажлис Сенати Раиси Т.Норбоева ташаббуси билан минтақанинг аёл депутатлари ва етакчи аёллари ўртасида яқин алоқалар йўлга қўйилди.

Т.Мамитовнинг фикрича, Ўзбекистон делегациясининг бугунги ташрифи икки мамлакат ўртасида жадал ривожланаётган ҳамкорликка қўшимча туртки беради.

Шу ўринда Т. Мамитов “Ўзбекистон ва Қирғизистон тадбиркор аёллари мулоқоти” халқаро бизнес-форумини ўтказиш муҳимлигини таъкидлади. Торағанинг фикрича, бундай форматдаги учрашувларнинг мунтазам ўтказилиши ҳамкорликни янада ривожлантириш учун барча зарур шароитларни яратди.

Учрашувда сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Томонлар парламент назоратини амалга ошириш, қонун ижодкорлиги фаолияти соҳаси бўйича тажриба алмашиш ва парламент дипломатиясини фаол тарғиб қилишга қизиқиш билдирди.

Бизнес-форум икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда янги саҳифа очади

Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги делегация “Қирғизистон ва Ўзбекистон тадбиркор аёллари мулоқоти” халқаро бизнес-форумида иштирок этди.

Тадбирда икки мамлакатнинг 100 дан ортиқ тадбиркор аёллари — саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш, хўнарамдчилик каби тармоқлари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева тадбири оғач экан, биринчи марта ўтказилаётган халқаро бизнес-форум икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда янги саҳифа очилиши, хотин-қизларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришга қаратилган ҳамкорликнинг мутлақо янги майдонини шакллантиришини таъкидлади.

Очилиш маросимида Қирғизистон парламенти раҳбари ўринбосари А.Касималиева, Қирғизистондаги БМТТД раҳбари Л.Чемберлен ва Қирғизистондаги USAID миссияси директори вазифасини бажарувчи К.Симмонс ҳам иштирок этди.

А.Касималиева Қирғизистон Ўзбекистон билан стратегик шериклигини янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Л.Чемберленнинг фикрича, хотин-қизлар салоҳиятидан тўла фойдаланиш Марказий Осиёдаги барча давлатларнинг иқтисодий ривожланиши учун мустаҳкам замин яратди.

Форум давомида тадбиркор аёллар учун янги имконият ва истиқболлар яратиш, Марказий Осиё мамлакатлари учун иқтисодиётнинг муҳим йўналишларида билим ва малакаларни

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ СЕНАТИ
РАИСИ Т. НОРБЕКОВА
ВА ҚИРГИЗИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ЖОГОРКУ КЕНЕШИ
ТОРАҒАСИ Т. МАМИТОВ
ЎРТАСИДАГИ
УЧРАШУВДА
ПАРЛАМЕНТЛАРА
АЛОҚАЛАРИНИНГ
БУГУНГИ ҲОЛАТИ
ВА ИСТИҚБОЛАРИ,
ШУНИНГДЕК,
МИНТАҚАЛАР ВА ИККИ
МАМЛАКАТ ПОЙТАХТИ
ЎРТАСИДАГИ
ҲАМКОРЛИК
ТЎҒРИСИДА ФИКР
АЛМАШИЛДИ.

мустаҳкамлаш, мамлакат ва минтақавий даражада хотин-қизларни бирлаштириш, иштирокчи мамлакатлар тадбиркор аёлларининг тажриба алмашиши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Бизнес-форум доирасида тадбиркорлар ўртасида икки томонлама учрашувлар якунида 13,2 миллион долларлик 15 та шартнома ва меморандум имзоланди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни бундан бўён ҳам давом эттириш тўғрисида резолюция қабул қилинди.

Қирғизистон Республикасига расмий ташриф чоғида Олий Мажлис Сенати Раиси Т.Норбоева бошчилигидаги делегация аъзолари Ата-Бейит ёдгорлик мажмуиси ва Чингиз Айтматов уй-музейида бўлиб, атоқли қирғиз адаби ҳайкали пойига гул қўйди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати

САЙЛОВДА 880 МИНГДАН КЎПРОҚ ЁШЛАР ИЛК БОРА ОВОЗ БЕРАДИ

Пойтахтимизда “Сайлов қонунчилиги ва ёшлар” мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси, МСК матбуот маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олимлар, экспертлар, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳолининг қарийб 60 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил қилади. Бу эса ёшларнинг сайловни очик-ошкора, демократия ва умуминсоний тамойиллар асосида ўтказишда катта ўрин тутишини кўрсатади. Зеро, жорий йилда Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати киритилган 21 миллион 249 минг 921 нафар сайловчилар 6 миллион 993 минг 924 нафари 30 ёшгача бўлган ёшлардан иборат. Бу умумий сайловчиларнинг 32,91 фоизи ёшлардан иборат, дегандир. Аҳамиятли жиҳати шундаки, уларнинг 880 155 нафари, яъни 12,59 фоизи бу йил илк мартаба узининг сайлов ҳуқуқидан фойдаланади.



Бу ёшларга сайлов тўғрисида, сайловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида, Президентлик сайловининг ўзига хос жиҳатлари, сайлов кампаниясини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қўшимча билим бериш, тарғибот ҳамда ташви-

қот ишларида ёшларнинг фаоллигини ошириш борасида ўқув-семинарларни ўтказиш ҳаётий зарурат эканини кўрсатади. Шу мақсадда ташкил этилган ўқув-семинарда ёшларга Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ҳам-



да бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Ўқув машғулотларини Марказий сайлов комиссияси аъзолари, экспертлар ҳамда Тошкент давлат юридик университетини профессорлари олиб борди.

— Тадбир нўхотда қизгин руҳда ўтди, биз миллий сайлов қонунчилигимиздаги янгилликлар, бу йўналишдаги хориқ тажрибаси билан яна бир қарра танишдик, олимлар ва экспертлардан ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олдик, — дейди Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси Моҳиствара Мухаммадюновсва. — Айни пайтда мамлакатимиз бўйлаб давом этаётган сайловга тайёргарлик жараёнида биз ҳам қатор тарғибот тадбирларини амалга оширяпмиз. Хусусан “Сайлов ва ёшлар” лойиҳаси доирасида талабалар ўртасида давра суҳбатлари ташкил этиляпти. Бундан мақсад ёшларнинг электорал маданиятини юксалтириш ва сайловда фаол иштирокчини таъминлашдир.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



ТАБИАТНИНГ “ЯШИЛ ҚЎРҒОНИ”



Саломатлигимиз учун ўсимликлар дунёсининг аҳамияти катта. Бир гектар ўрмон ўртача 200 минг аҳоли яшайдиган шаҳар ҳавосини тозалаш имкониятига эга. Худди шунча майдондаги кенг баргли ўрмонлар 5 килограмм, нинабаргли ўрмонлар эса 8 килограммча шифобахш моддалар ажратиб, бактерияларни зарарсизлантиради. Шуларни ҳисобга оладиган бўлсак, ўрмонларни асраш ва яшил майдонларни кенгайтириш давримизнинг энг долзарб экологик масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, дарaxтларнинг кесилиши натижасида келиб чиқадиган умумбашарий зарарни қоплаш учун ҳар йили 150 миллион гектар ерга кўчат экиш керак экан. Агар бир йилда 100 миллион туپ кўчат эксак, атмосферага карбонат ангидрид гази чиқарилишини 18 минг тоннага қисқартирган бўламиз. Шу орқали биологик хилма-хиллик сақлаб қолиниши баробарида сув тошқинлари, қўроқчилик, tuppoқ эрозиясининг ҳам олди олинади.

Бундан ташқари, павловния, клон терак навлари, магнолия, пекан, пираканта каби ўндан ортиқ чўл-яйлов ўсимликлари иқлимимизга мослаштирилиб ўстирилмоқда. Жорий йилда ўрмон хўжаликлари томонидан 85,2 миллион дона дарaxт ва бута ниҳоллари ҳамда кўчатлари етиштирилди. Кўкаламзорлаштириш мақсадида 15 миллион дона туپ кўчатлари парваришланмоқда. Шунингдек, ўрмон хўжаликлари томонидан 20 миллион дона тез ўсувчи дарaxтлар қаламчалари тайёрланди.



ШАҲАР ЭКОТИЗМИ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Соҳада амалга оширилаётган ишлар қутилган натижаларни бериши учун қийинчиликларга барчамиз масъулмиз. Чекловларга қарамай, дарaxтларни кесишимиз, чиқиндиларни дуч келган жойга ташлашимиз оқибатида кўз ўнгимизда чўл худудлари тобора кенгаймоқда. Бугун инсоният олдида глобал иситиш, иқлим ўзгариши каби қатор экологик таҳдидлар турибди. Бу каби хавфларни камайтириб, экологик барқарорликни таъминловчи тизимлардан бири шаҳар экотизми ҳисобланади. Мана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, 2021 йил октябрь-ноябрь ойларида 55 миллион дона, келгуси йил баҳор мавсумида автомобил йўллари, дала четлари, аҳоли йиқинларида 70 миллион дона туф, павловния каби мевали ва манзарали дарaxтлар, шунингдек, тез ўсувчи бошқа кўчатларни экиш вазифаси қўйилди.

Маълумотларга эътибор берадиган бўлсак, ер сайёрасининг атиги 3 фоизини эгаллашгани аниқ кўриниб келибди. Шунингдек, атмосферага чиқарилаётган углеводород газининг 75 фоизи ҳам улар ҳиссасига тўғри келади. Яшил майдонлар, ўсимлик дунёси шу ерда истиқомат қилувчи инсонлар учун энг асосий ҳаёт манбаи эканини инобатга оладиган бўлсак, шаҳар экотизмининг асраб-авайлаш нечоғлиқ муҳимлигини аниқлаш қийин эмас. Шаҳарларда дарaxт билан қопланган майдонни 10 фоизга ошириш, иситиш ёки совитиш учун энергия сарфини 10 фоизгача камайтириш имконини беради. Яшил хиебонларнинг яна бир муҳим жиҳати борки, улар ифлосланган ҳавонинг 85 фоизини тозалай олади. Нима учун бизга шунча имкониятлар туҳфа этадиган “кўрғон”ни барбод қилишимиз керак?

COVID-19 касаллиги билан боғлиқ ҳолатларнинг кўпчилиги айнан шаҳар аҳолисида қайд этилган. Шу жиҳатдан ҳам соғлом турмуш тарзи яшил майдонларга бориб тақалади. Тадқиқотларга кўра, шаҳардаги яшил худудларга яқин жойда истиқомат қилувчи аҳоли жисмоний жиҳатдан фаол бўлиб, уларда ортиқча вазн ва юрак-қон томир

касалликлари нисбатан кам учрайди. Илдан-йилга глобал иқлим ўзгариши, аномал иссиқликларга ўрганиб бораёмиш. Буларга инсониятнинг баъзан билиб, баъзан билмай, экотизим барқарорлигига путур етказиши ҳам сабаб бўлмоқда. Демакки, табиатни асраб-авайлаш доимий қоидага айланиши шарт.

Келажак авлодлар олдидаги масъулиятни чуқур англаган ҳолда, мамлакатимизда шаҳарларни яшил ва обод масканга айлантириш бўйича эзгу ташаббусларни амалга оширишда давлат бошқарув органлари билан биргаликда биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшишимиз керак. Соҳа фақатгина мутасадди ташкилотлар, олимларнинг эътиборини талаб қилмайди. Экотизим мувозанатини сақлашда чекка қишлоқ ёки катта мегаполисларда истиқомат қилаётган ҳар бир инсоннинг муносабати ва сазой-ҳаракати ҳам муҳим ўрин тутди.

Феруза ЖЎРАЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Нигоҳ

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz.uz_news

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Халқаро экспертлар: Ўзбекистон томонидан БМТ минбарида илгари сурилган ташаббуслар жуда долзарб ва жаҳон ҳамжамияти эътиборига ўз вақтида ҳавола қилинган воқеа бўлди

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 21 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 76-сессиясида сўзлаган нутқи халқаро эксперт-таҳлил ҳамжамияти орасида кенг эътироф этилмоқда. “Дунё” ахборот агентлиги сессияда Ўзбекистон томонидан илгари сурилган муҳим ва долзарб ташаббуслар билан боғлиқ қатор фикр ва мулоҳазаларни тақдим этади.

Майкл ЭДЕЛЬШТЕЙН,
иқлим ўзгариши, атроф-муҳит муҳофазаси, барқарор “яшил” ривожланиш бўйича эксперт,
“Табиий офат: Орол денгизи ва унинг барқарор ривожланиш сабоқлари” китоби муаллифи (АҚШ):



— Нутқда Ўзбекистоннинг дунё олдида турган атроф-муҳит, иқлим ва биохилма-хиллик муаммоларини ҳал этишда етакчи роль ўйнаши ўз аксини топган.

БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ, фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, камбағалликни камайтириш, ҳар бир фуқарони кафолатли даромад манбаи билан таъминлаш, 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори бўйича “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига киришга қаратилган янги стратегия эълон қилинди. Барқарор ўзгаришларни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ҳам тақдиф этилмоқда.

Ўзбекистон томонининг иқлим ўзгариши, атроф-муҳит муҳофазаси ва биохилма-хилликка оид баёнотини инсониятнинг нафақат бугунги, балки келажак авлодлар олдидаги эзгу бурчи, дея таъкидлашни истардим.

Нил ТИТМАН,
“SCALA ARTS & HERITAGE PUBLISHERS” нашриёт уйининг бизнесни ривожлантириш бўйича директори,
Бристол университети доктори (Буюк Британия):



— Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқи жуда муҳим сиёсий воқеа бўлди. Чунки, бир томондан, у мамлакатни ташвишга солаётган муаммоларга жаҳон ҳамжамияти эътиборини жалб қила олган бўлса, бошқа томондан, маданият ва келажак режалари соҳасида Ўзбекистон эришган муваффақиятларни намоён этди. Маданият соҳаси вакили сифатида

О Ин КЁНГ,
Евроосиё туркшунослик институти директори (Жанубий Корея):



— Ўзбекистон Президенти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 76-сессиясининг юқори даражадаги умумсиёсий мунозараларида видеоурожаат орқали сўзга чиқиб, дунёда халқ фаровонлигини яхшилаш, жаҳон ҳамжамиятига минтақа ва глобал кун тартибидagi долзарб масалалар, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши биргаликда чора қўришдаги роли юзасидан Ўзбекистон нуктани назарини тақдим этди.

Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, Ўзбекистон ўтган йили БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида ҳам муҳим ташаббусларни илгари сурган эди. Бу тақдифлар йил давомида ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топди. Хусусан, 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида “Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусида халқаро анжумани ўтказиш тўғрисида тақдиф ўртага ташланган эди. Бунинг натижаси ўлароқ, 14-15 сентябрь кунлари Хива шаҳрида ушбу ириқ анжуман муваффақиятли ўтказилди. ЮНЕСКО шафелигида ташкил этилган ушбу халқаро форум ишда дунёнинг кўплаб давлатларидан олимлар, экспертлар, шарқшунослар, манбашунос ва тарихчилар иштирок этди. Мен ҳам туркшунос олимга сифатида ушбу маданият форумини интернет орқали катта қизиқиш билан кузатиб бордим. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Марказий Осиё минтақасининг асрлар давомида турли халқлар ва цивилизациялар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ривожлантиришда гоят муҳим ўрин эгаллаб келаётганига яна бир бор гувоҳ бўлдим.

Бундан ташқари, жорий йил 18 май куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси ялпи мажлисида Ўзбекистон

ўзбек жамиятидаги улкан маънавий юксалишни, порлоқ келажакка ишонч туйғуси мустаҳкамланганлигини таъкидламоқчиман. Жорий йил 14-15 сентябрь кунлари бўлиб ўтган “Марказий Осиё — жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро конференциясида иштирок этиш учун Ўзбекистонга борган чоғида бунга яна бир бор амин бўлдим. Мамлакатингиз аҳолиси ўзининг бой маданий меросидан нақадар гурур ва ифтихор туйишини сездим. Бундан ташқари, бу бой меросни ўрганиш ва оммалаштиришга халқаро миқёсда қизиқиш тобора ортиб бораётгани яққол намоён бўлди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, ушбу анжумани ЮНЕСКО билан биргаликда ўтказиш ташаббуси ўтган йили БМТ Бош Ассамблеясининг 75 йиллик юбилей сессиясида эълон қилинган эди. Ушбу муҳим ташаббуснинг амалий натижасини бевосита кўриш барчамизни мамнун қилди.

тақлифига биноан, Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди, деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди. Дунёнинг турли минтақаларидаги 60 га яқин давлатлар мазкур резолюцияда ҳаммуаллиф сифатида иштирок этгани Ўзбекистон ташаббуси жаҳон ҳамжамияти томонидан яна бир бор кенг қўллаб-қувватланганидан далолат беради.

Ўзбекистон Президенти сессия иштирокчиларига мурожаат қилар экан, Ўзбекистон иқлим ўзгаришларига қарши курашиш, атроф-муҳит ва биохилма-хилликни муҳофаз қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратиб келаётганини таъкидлаш асосида бу нафақат бугунги, балки келажак авлодлар олдидаги эзгу инсоний бурч эканлигини ҳам алоҳида қайд этди. Унинг 2022 йилда Оролбўйи худудида, яъни Нукус шаҳрида “яшил” энергетика бўйича БМТ билан ҳамкорликда юқори даражадаги халқаро форум ўтказишни тақдиф қилгани ҳам, шубҳасиз, катта эътиборга сазовордир.

БМТ 76-сессиясида билдирилган фикрлар ва илгари сурилган ташаббуслар бугунги кун учун жуда долзарб ва жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига ўз вақтида ҳавола қилинган воқеа бўлди. Ўйлаيمанки, барчамиз тез орада ушбу ташаббуслар амалий натижасининг гувоҳи бўламиз.

“Дунё” АА

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

МУНОСИБ МЕҲНАТ ДАСТУРИ

уйғун ва барқарор ривожланишнинг муҳим омили



Бошланиши 1-бетда

Тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистонда барча соҳаларда, жумладан, ижтимоий меҳнат муносабатлари соҳасида ҳам аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, мамлакатимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик борасида ҳамда муносиб меҳнат тамойилларини илгари суриш масалаларида салмоқли натижаларга эришилди.

Таъкидлаш жоизки, Халқаро меҳнат ташкилоти ҳамкорлиги ва амалий қўмағида Ўзбекистонда муносиб меҳнат

механизмларини татбиқ этишга йўналтирилган кенг қўламли дастурларни амалга оширишга эришилди. Хусусан, 2017–2020 йиллар учун имзоланган ва амалга оширилган Муносиб меҳнат бўйича дастур Ўзбекистоннинг муносиб меҳнат соҳасидаги ислохотларини қўллаб-қувватлаган ва қонун ҳужжатларини халқаро меҳнат стандартларига мослаштирган фаолиятнинг аксарият соҳаларида муҳим натижаларни берди.

Бу борадаги ишларни давом эттириш, ижтимоий мулоқотни кучайтириш ва ХМТ билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Муносиб меҳнат бўйича 2021–2025

йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди. Мазкур янги дастур ХМТ томонидан Ўзбекистондаги уч томонлама ижтимоий шериклар — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси ва Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерацияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Нозим Хусанов таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикасининг Муносиб меҳнат бўйича 2021–2025 йилларга мўлжалланган дастури меҳнат муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, ижтимоий, инклюзив ва адолатли ўсиш натижасида ёшлар, хотин-қизлар ва

аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун яратилган бандлик ва муносиб меҳнат имкониятларини кенгайтириш, сифатли ва инклюзив таълим ҳамда ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий мулоқотни мустаҳкамлаш ва ижтимоий шерикларнинг институционал салоҳиятини ошириш каби асосий устувор йўналишларни қамраб олган.

Тадбирда уч томонлама ижтимоий шериклар томонидан мазкур дастурнинг имзоланиши Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имкониятини бериши алоҳида таъкидланди. Шунингдек, ижтимоий шерикларнинг муносиб меҳнат тамойиллари

ва ижтимоий мулоқотни илгари суриш, меҳнат шариоитларини янада яхшилаш, гендер тенгликка эришиш ва аҳоли ижтимоий ҳимоясини кенгайтириш бора-сидаги ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиши қайд этилди. Таъкидланганидек, янги дастурда меҳнат муносабатлари соҳасидаги сиёсатни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий масалаларда инсон омилига йўналтирилган ижтимоий адолатни таъминлаш масалалари кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу ҳужжат Ўзбекистонни Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га эришишда қўллаб-қувватлашга қаратилгани айтиб ўтилди.

Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов Муносиб меҳнат бўйича дастур БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун экани ва Ўзбекистонга ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада илгари суришда ҳамкорлик кўрсатишга қаратилганини таъкидлади. Мазкур ҳужжатда Ўзбекистон касаба уюмлари томонидан меҳнат муносабатлари соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, бандлик ва муносиб меҳнат, аҳолининг таълим ва ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий шерикларнинг мулоқот ва салоҳиятларини мустаҳкамлаш каби йўналишларда билдирилган тақдирларнинг аксарияти инобатга олинган.

Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерацияси бошқаруви раиси Илҳом Ҳайдаров Ўзбекистон учун махсус дастурнинг танланган устувор йўналишлари ва меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратди. Таъкидланганидек, ушбу устувор йўналишлар ХМТнинг халқаро меҳнат стандартларини жорий этиш тажрибасини мамлакатда уч томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш билан уйғун ҳолда олиб бориш, республикада муносиб меҳнат билан боғлиқ асосий масалаларни ҳал этиш имконини беради.

Ўз навбатида, Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори ёрдамчиси Хайнц Коллер Ўзбекистондаги барча ҳамкорларга самимий салом йўллаб, Ўзбекистон меҳнат соҳасидаги асос солувчи тамойиллар ва ҳуқуқларга риоя этиш борасида салмоқли ютуқларга эришганини алоҳида эътироф

эти. Шунингдек, Ўзбекистоннинг пахта йигим-теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик борасида эришадиган улкан натижалари ҳам алоҳида қайд этилди. ХМТ томонидан Халқаро меҳнат меъёrlарини миллий қонунчиликка киритишда ва уларни амалда қўллашда кўмак кўрсатилгани, 2017–2020 йилларга мўлжалланган Муносиб меҳнат бўйича дастур доирасида Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорлик меҳнат қонунчилигини ҳар томонлама ислох қилиш ва бандликнинг миллий стратегиясини шакллантириш, хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги аҳолини таҳлил этиш, уч томонлама ижтимоий мулоқотни институционаллаштириш ва бандлик бўйича давлат хизматларини кучайтириш каби стратегик соҳаларда иш олиб борилгани таъкидланди. 2016 йилдан бошлаб ХМТ меҳнат муҳофазаси ва меҳнат инспекцияси соҳасида ўқувларга, шунингдек, 81- ва 129-конвенцияларни ратификация қилишда ҳукуматни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон ва ХМТ ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш соҳасида салмоқли натижаларга эришилди. ХМТ бундан кейин ҳам Ўзбекистондаги уч томонлама ҳамкорлар билан биргаликда янги Муносиб меҳнат дастурини қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятларни ишга солишини таъкидлади.

Таъкидлаш жоизки, янги Муносиб меҳнат дастури ХМТнинг Ўзбекистон билан 2021–2025 йиллар учун ҳамкорлиги бўйича уч томонлама маслаҳатлашувлари натижаси бўлиб, БМТнинг Ўзбекистондаги барқарор ривожланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимига тўлиқ мос келади. Ушбу ҳужжатда ХМТнинг меҳнат соҳасининг истиқболи тўғрисидаги юз йиллик Декларациясининг асосий меъёрлари ҳам кўзда тутилган бўлиб, Халқаро меҳнат конференциясининг 2021 йилги резолюцияси бажарилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси матбуот хизмати

ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРИ



Комилжон КОМИЛОВ,
Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг асосий “ўсиш нуқтаси” ва драйвери бўлиши учун соҳани 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси қабул қилингани минглаб янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг реал даромадини ошириш имконини бераётир.

Кластерлар ташкил этилиши ва ривожланиши соҳада ҳосилни етиштиришдан ташқари уни дастлабки қайта ишлаш, тайёр ёки ярим тайёр маҳсулот ҳолига келтириш билан иқтисодий самарадорлик орттириш ва янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш имконини бермоқда. Натижада қишлоқ хўжалиги ишларига оммавий сафарбарлик эълон қилишдек номақбул тажрибалардан воз кечилиб, барча ишни ўз эгалари — маҳалла мутахассислар бажаришига эришилмоқда.

Бундан ташқари, кластерлар изла-нишлар ва ихобий маънодаги рақобат асосида замонавий техника ва техноло-гияларни, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга интиломоқда. Чунки энди шу йўл билангина пировард натижада юқори манфаатдорликка эга бўлиш мумкинлиги ҳаммага тушунарли бўлиб қолди.

Пахтачиликдаги ислохотлар нати-жалари Андижон вилоятида ҳам бўй кўрсатди. Хусусан, пахта етиштирила-диган майдонлар ҳажми қисқариб бо-раётган бўлишига қарамай, ҳосилдор-лик ортмоқда.

Вилоятда 2016 йилда 91,4 минг гектар пахта майдонига қарийб 262 минг тонна чигит экилиб, ҳосилдорлик кетаридан



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИ — ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Аҳолини озиқ-овқат, саноатни хомашё билан таъминлаш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш имкониятлари кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш натижаларига боғлиқ. Шу боис, юртимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислох қилиш, соҳага замонавий техника ва технологияларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ўртача 28,7 центнерни ташкил этган бўл-са, 2020 йилда 79,4 минг гектарда ялпи ҳосил 268,2 минг тоннадан ошиб кетди, ҳосилдорлик 33,8 центнерга етди.

2018 йилда вилоятда 2 та туманда, 2019 йилда 9 та туманда ва 2020 йилда барча туманларда пахта-тўқимачилик кластер корхоналари ташкил этилгани ҳосилдорлик кўрсаткичлари орттиришга замин яратди.

Вилоятда 2020 йил якуни билан бар-ча пахта-тўқимачилик корхоналари ва уларнинг негизда қарийб 50 га яқин корхона ташкил этилиб, 15 мингдан ортқ янги иш ўрни яратилди. Бундан ташқари, вилоятда етиштирилган пах-та ҳосилини қайта ишлашдан тортиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга б-ўлган жараёни ўз ичига олган тизим йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг ўзида вилоятда фао-лият кўрсатаётган 10 та пахта-тўқимачи-лик корхонаси томонидан 64 та янги лойиҳа ишга тушириш хисобига 24 мингдан ортқ иш ўрни яратилиши ку-тиломоқда.

Пахта-тўқимачилик кластер корхо-налари томонидан янги замонавий тех-ника ва технологияларни жорий этиш хисобига ҳам янги иш ўринлари яра-тилмоқда.

Табиики, қишлоқ хўжалигида сама-рали натижага эришиш даражаси ер, сув ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланишга боғлиқ. Сув ресурслари чекланган шариоатда эса суғоришнинг тежамкор усуллари ва технологиялари-ни қўллаш алоҳида аҳамият касб эта-ди. Шуларни хисобга олиб, томчилатиб суғоришдан фойдаланиш қўла-ми йил сайин ортиб борапти. Бу усулни қўла-

ган фермер ва деҳқон хўжаликлари эса ер солиғидан озод қилиниб, имтиёзли кредитлар олиш имконига эга бўлмоқ-да. Томчилатиб суғориш экинларга сувни меъёрида берадиган, түпроқнинг эрозия жараёнларини бартараф эта-диган, атроф-муҳитга зарар етказмай-диган автоматлаштирилган суғориш усулларидан биридир. Пахтачиликда томчилатиб суғоришнинг жорий этили-ши сув сарфини, ернинг шўрланиши-ни камайтириш, гўза ҳосилдорлигини ошириш билан бирга сув ва минерал ўғитларни лазер нури ҳамда магнит майдонига фаоллаштирилган ҳолда бериш имкониятини ҳам яратди.

2019 йилда Қўрғонтепа туманидаги “Хантекс” пахта-тўқимачилик корхонаси томонидан 80 гектар майдонда Исроил технологияси асосида томчилатиб су-ғориш жорий қилиш хисобига ушбу май-донларда ўртача ҳосилдорлик 60 цент-нергача кўтарилди. Бу натижа янада ошириш мақсадида 2021 йилда Андижон вилоятидаги кластер корхоналар томо-нидан 15 минг гектардан ортқ майдонда томчилатиб суғориш технологиялари жо-рий қилиниши режалаштирилган.

Замонавий техника ва технология-лардан фойдаланиш соҳа кадрлари-дан муайян малака ва кўникмаларни талаб этади. Шу боис, қишлоқ хўжа-лиги олий ва ўрта махсус таълим муас-сасаларида кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилмоқда. Қишлоқ хў-жалиги олий таълим муассасаларида қабул квоталари, айниқса, грант ўрин-лар салмоғи сезиларли даражада орт-ди. Иқтисодий ёшларимизга қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича магистратура мутахассисликларида давлат гранти

асосида тахсил олиш имконияти яра-тилди.

Бу борада, шубҳасиз, Андижон қиш-лоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти олимларининг илмий асос-ланган тавсиялари зарур бўлишини яхши англаб, илмий-тадқиқот ишла-римиз қўлами ва самарадорлигини ошириш бўйича режалар белгилаб, амалга оширмоқдамиз. 2020–2021 йил-ларда институтда хорижий давлатлар билан ҳамкорликда қийматли 524 минг 500 евро бўлган 8 та лойиҳа бажарил-моқда. Жумладан, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан қорва ҳайвонларини сунъий уруғлантириш, озуқа етиштириш, селекция ва насли-лик ишлари, АҚШнинг USAID ташки-лоти билан ҳамкорликда интенсив боғ ва тоқзорларда юқори сифатли мева, узум маҳсулотларини етиштириш, Гродно давлат аграр университети олимлари билан қишлоқ хўжалиги экинларига (буғдой, пахта, соя, мош, кунгабоқар) биоўғит ва биостимуляторларни қў-лаш, Германиянинг Лейпциг амалий фанлар университети билан мева-саб-завотчиликка ихтисослаштирилган агр-окластерларда қишлоқ хўжалиги маҳ-сулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашда қўшилган қийматни қўпайти-риш моделини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

2021 йилда TOPAS ва BUZNET лойиҳаларини муваффақиятли якунлаш, GIZ билан “Сут ва гўшт етиштиришда қиймат занжирини” ҳамда USAID билан “Агробизнесни ривожлантириш” лойи-ҳаларини бажариш режалаштирилган.

Институтимизда тахсил олаётган бўлғуси мутахассислар амалиётни замонавий технологиялар қўллани-лаётган кластерлар ва фермер хўжа-ликларида ўтатиш уларнинг назарий би-лимларини амалиётда мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Мамлакатимизда пахта-ғалла етиш-тириш қўламини босқичма-босқич қисқартириш хисобига мева-сабзавот-



чилик, қорвачилик, асаларичилик, ба-ликчилик каби соҳалар ривожланди. Натижада аҳолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, эҳтиёждан ортганини экспорт қилиш чора-тадбирлари жадаллашди. Бу эса қишлоқ меҳнатқашлари даромади ор-тиши ва фаровонлиги юксалишига асос бўлмоқда.

Қишлоқ хўжалигида кечаётган исло-хотлар аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромад манбаини ошириш-да муҳим роль ўйнамоқда. Бу жараён-да кластерлар, фермер хўжаликлари даласида меҳнат қилаётган ишчи-хиз-матчилар, механизаторлар, сувчилар ва пахта йигим-теримида иштирок эта-диган теримчиларга шарт-шароитлар яхшиланди. Энг муҳими, мажбурий

вилоятда 2016 йилда 91,4 минг гектар пахта майдонига қарийб 262 минг тонна чигит экилиб, ҳосилдорлик гектаридан ўртача 28,7 центнерни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 79,4 минг гектарда ялпи ҳосил 268,2 минг тоннадан ошиб кетди, ҳосилдорлик 33,8 центнерга етди. 2018 йилда вилоятда 2 та туманда, 2019 йилда 9 та туманда ва 2020 йилда барча туманларда пахта-тўқимачилик кластер корхоналари ташкил этилгани ҳосилдорлик кўрсаткичлари орттиришга замин яратди.

меҳнат, хусусан, болалар меҳнатига чек қўйилди.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигини ме-ханизациялаш даражаси ва сифати орттириш, замонавий техника ва техно-логиялар жорий қилиниши натижаси-да тармоқда қўл меҳнати машаққатига барҳам берилди.

Қишлоқларда мулкдорлар сафи кенгаймоқда, аҳоли кўтаринки кай-фиятда, бугунги ҳаётдан рози бўлиб яшаяпти.

Бугунги давр эса бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришни, истиқ-болни ўйлаб, узоқни кўзлаб, ислохот-ларни янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда. Бу йўлда янги марраларни забт этиш, муваффақиятли натижаларга эри-шиши учун барча асосларимиз бор.



ОЛТИ ТИЛДА СЎЗЛАШАР ИБРАТНИНГ ИЗДОШЛАРИ

Гулчеҳра ҚАҶОМОВА,
Исҳоқхон Иброт номидаги хорижий тилларга
ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори



Бизнинг хорижий тилларга
ихтисослаштирилган
мактаб-интернатимиз
мамлакатимизнинг янги
билим ўқокларидан
бири ҳисобланади. У
Ватан тараққиёти йўлида
фидокорона ҳаёт ва бебаҳо
асарлари билан хизмат қилган
маърифатпарвар олим, шарқ ва
ғарб тилларининг билимдони
Исҳоқхон Ибротнинг
номини абадийлаштириш,
издошларини кашф этиш
мақсадида 2017 йили очилган
эди. 120 ўринли муассасамиз
педагогик жамоаси ўтган
ўқув йилларида тилга олса
арзигулик натижаларга
эришди. Ўқитувчи ва
ўқувчиларимизнинг
тилшунослик бобидаги
саъй-ҳаракатлари қувончли
самаралар бермоқда.

Ибротга муносиб издош бўлишга
интилаётган ўғил-қизларимизнинг
аксарияти беш-олти тилда гапиришни,
ўқиш-ёзишни ўз олдларига қатъий
мақсад қилиб қўйган. Уларнинг эзгу
ниятлари ушалоғи учун барча зарур
шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилган.
Компьютерлардан тортиб, овоз
ёзиш ва эшитиш тизимларигача бор.
Юқори малакали мураббийлар шу ер-
нинг ўзига тил ўрганиш марказида
ёшларга керагича ёрдам кўрсатади.
Халқ таълими вазирлиги уюштиратган
фан олимпиадаларида ўқувчиларимиз
она тили ва адабиёт фанидан юқори
кўрсаткичларни кўлга киритаётган
бўлса, инглиз, немис, француз ва рус
тилларини ўзлаштиришда ҳам фахрли
ўринларни эгаллаб келяпти. Ҳали мак-
таб-интернатимизни битирмай туриб,
онлайн имтиҳонлар топшириб, кўрик-
танловларда қатнашиб, бир йўла хо-
риждаги бир неча олий ўқув юр-
тлари талабалигига қабул қилиняпти.

Билим масканимиз хорижий тиллар-
ни ўргатишга ихтисослашгани, респуб-
ликадаги тўнғич ижод мактаби мақоми-
да экани зиммамиздаги масъулиятни
икки қарра оширади. Ўзбекистон Ёзув-
чилар уюшмаси, Республика Маъна-
вият ва маърифат маркази вилоят бў-
лимлари билан мустаҳкам ҳамкорлик
ўрнатганмиз. Таваллудларининг 80
йиллиги муносабати билан Ўзбекистон

халқ шоири Абдулла Орипов ҳамда Ўз-
бекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов
асарлари билимдонлари кўрик-танло-
вининг республика босқичида ўқувчи-
ларимиз Гүлёра Тўйчиева ва Дилобар
Маҳмудова муваффақиятли қатнашди.
Ақсарият ўқувчиларимизда “Китоб-
хон — 2021” танловида иштирок этиш
иштиғи кучли эди. Улар тавсия этил-
ган 100 та китоб мутлоаасида баъзан
муаммоларга дуч келарди. Чунончи,
мумтоз адабиёт намуналарини ўқиш
чоғида эски арабий, форсий ва туркий
сўзларнинг асл ва мажозий маъноси-
ни тушунишда қийналишарди. Улар-
га мумтоз сўзларнинг қисқача лугати
етишмасди. Не бахтки, худди шу эъ-
тиёжни қондирувчи амалий жараён
бизнинг мактабимизда бошланиб, ёзи
таътил пайтида муваффақиятли нихо-
сига етказилди.

Жорий йил 30 июнь — Ёшлар куни
муносабати билан Ўзбекистон ёшлари
ва талабаларининг форуми бўлиб ўтди.
Форумда қатнашган мактабимизнинг
9-синф ўқувчиси Дилобар Маҳмудова
“Ўзбек мумтоз адабиёти сўзлари луға-
ти”ни яратишга жазм қилганини айтиди
ва бу ташаббус кўлаб-қувватланди.
Ўқувчимиз форумдан қайтган куни
билим даргоҳимизга вилоят ҳокими
келди. Дилобар Маҳмудовага луғат-
шунослик фаолияти учун асқатадиган



ноутбук совға қилди. Шу билан бир-
га, назарий-амалий ёрдам берадиган
ишчи ҳамда ижодий гуруҳ шаклланти-
рилди. Шу тариқа қарийб икки ой даво-
мида “Мумтоз сўзларнинг беш тилли
қисқача луғати” тайёрланди.

Луғатдан ўрин олган салкам тўрт
ярим мингта сўзнинг ўзбек, инглиз, не-
мис, француз ва рус тилларидаги лек-
сик ифодаси берилган. Қимматли жиҳа-
ти, энг фаол мумтоз сўзлар сараланиб,
лотин алифбоси бўйича тартибланган.
Шу ўринда савол туғилади. Нега кўп
тилли мухтасар луғат яратилди? Гап
шундаки, таълим муассасамиз ўқитув-
чи ва ўқувчилари ўзбек адабиётининг
энг сара асарларини чет тилларга ўғи-
риш, жаҳонга тарғиб қилиш билан ҳам
шуғулланишни жуда-жуда хошлайди.
Янги луғат уларнинг ва юртимиздаги
барча ёш таржимонларнинг фаолият-
тини осонлаштиришга хизмат қилади,
албатта.

Бундан 120 йил муқаддам Исҳоқхон
тўра Иброт “Луғати ситтати алсина”
— “Олти тилли луғат” яратиб, ўзбекча
сўзларнинг қаршисида арабча, форсча,

туркча, хиндча ва русча таржимала-
рини берган. Бугун буюк жадид бобо-
мизнинг издошлари унга муносиб шо-
гирдлик мақомига даъвогар сифатида
астойдил изланаётгани кўнгилларимиз-
да беҳад фахру гурур уйғотади. Аълочи
ва ташаббускор ўқувчимиз тайёрлаган
беш тилли луғат ватанимиз мустақил-
лигининг 30 йиллик айёмига қутлуг ижо-
дий туҳфа экани билан янада қадрли.

Вилоят ҳокимлиги ажратган грант
маблағи ҳисобига чоп этилаётган кўп
тилли мухтасар луғат ҳадемай ада-
биёт ва тил ихлосмандлари қўлига
етиб боради.

Халқаро ҳамкорлик алоқаларимиз
ҳам яхши самара бераётир. Германия-
нинг Гёте институти энг ақин ҳамкори-
миз. Мактабимиз ўқувчиларига немис
тилини билиш даражаси бўйича бепул
халқаро сертификат берилмоқда. Жо-
рий йилда 2 нафар ўқувчимизга шун-
дай сертификат олиш насиб этди. Яна
Япония элчихонаси билан ҳам мус-
таҳкам алоқа ўрнатганмиз. Уларнинг
таълимини ривожлантиришга йўналти-
рилган кичик миқёсли бегараз ёрдам
лойиҳаси ишторқосимиз. 46 минг
300 долларлик грант кўлга киритган-
миз. Чет тили хоналаримизга хорижий
тилларни ўқитишнинг энг замонавий
жиҳозлари келтириб ўрнатилди. Жану-
бий Кореянинг KOICA ташкилоти билан
ҳамкорлигимиз туфайли болаларга ко-
рейс тилини ўргатишга ҳам киришдик.
Ҳозир мактабимиздаги 139 нафар бола

инглиз, немис, француз, рус ва корейс
тилларидан сабоқ олмоқда. Бошқача
айтганда, улар худди аллома Исҳоқхон
тўра Ибротдек олти тилда сўзлашиш,
мулоқот қилиш ва ёзиш малакасини
эгалламоқда.

Яқинда бир йиғилишда чет тиллар-
ни ўргатишда Тўрақўрғон тажрибаси-
ни оммалаштириш мақсадга мувофиқ
экани таъкидланди. Ҳатто мактабимиз
базасида хорижий тиллар институти
очиш, жойларда мактабимиз филиал-
ларини ташкил этиш ғояси илгари
сурилди.

Энди олдимиздаги вазифалар кў-
лами янада кенг, янада масъулият-
ли. Мақсадимиз фақат таржимонлар
тайёрлашгина эмас, болаларни дас-
турчи, менежер, иқтисодчи, веб-ди-
зайнер каби касбларга ҳам йўналти-
ришмиш кераклигини даврнинг ўзи
талаб қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда
бошланган янги Ренессанс пойдево-
рини қўйишга қодир ёшларни вояга
етказиш биз, устозларнинг муқаддас
бурчимиздир.

МЕРОС

“Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий
уйи томонидан Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги
халқлардан қолган ёдгорликлар” асари
5000 нусхада чоп этилди. Буюк бобомизнинг бу
машҳур китоби илк бор ўзбек тилида нашрдан
чикди. Асар таниқли олим, тарих фанлари
доктори, профессор Ашраф Аҳмедов томонидан
нашрга тайёрланган.

БЕРУНИЙНИНГ МАШҲУР АСАРИ — ЎЗБЕК ТИЛИДА

— Абу Райхон Беруний номидаги
Шарқшунослик институти ва кутубхо-
наларда 100 мингдан ортиқ кўлэзма
бор. Ушбу маънавий мулкни бугунги
авлодга етказиш биз, ноширлар ол-
дида турган муҳим вазифадир. Бе-
рунийнинг янги чоп этилган мазкур
асари юртимиз мустақиллигининг 30
йиллигига нашриётимиз томонидан
асари юртимиз мустақиллигининг 30
йиллигига нашриётимиз томонидан
асари юртимиз мустақиллигининг 30
йиллигига нашриётимиз томонидан

Буюк алломалардан бири, жаҳон
тан олган қомусий олим Беруний яша-
ган X асрнинг охириги чораги — XI аср-
нинг биринчи ярми Яқин ва Ўрта Шарқ
халқларининг маданият ва сиёсий ҳаё-
тидаги муҳим бир палла эди. Юксак
маданий тараққиёт ва катта сиёсий
ўзгаришлар IX аср охиридан деярли
XIII аср бошларигача давом этган. XIX
асрда яшаган швейцариялик шарқшу-
нос ва тарихчи Адам Мец бу даврни
ҳар томонлама таҳлил қилиб, Мусул-
мон Ренессанси даври деб атаган.

Беруний ана шу Ренессанснинг фаол
қатнашчиларидан ва шакллантирув-
чиларидан бири эди.

Абу Райхон Берунийнинг
(973-1048) “Қадимги халқлардан қол-
ган ёдгорликлар” (“Осор ал-боқия”) асари араб тилидан ўзбек тилига тар-
жима қилинган бўлиб, китобда қадим-
ги халқларнинг, хусусан, ватанимиз
худудида яшаган сўғдлар, хоразмлик-
лар, шунингдек, мусулмонлар, насро-
нийлар, яхудиylарнинг байрамлари,
урф-одатлари, турли мамлакатларда
ҳукм сурган подшоҳлар, императорлар
сулолалари ҳақида қимматли маълум-
лотлар келтирилган.

Қадимий маданият ва цивилиза-
циялар чорраҳаси бўлган юртимиз-
дан ўрта асрларда минглаб олим ула-
молар, буюк мутафаккир ва шоир-
лар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан.
Уларнинг аниқ фанлар ва диний илм-
лар соҳасида қолдирган бебаҳо ме-
роси бутун инсониятнинг маънавий
мулки ҳисобланади.



Таъкидлаш лозимки, бу улкан ме-
роснинг бир қисми — юртимизнинг
китоб фондларидаги кўлэзма асар-
лар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар
олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб
турибди.

Биз диний жаҳолатга, зарарли
оқимларга қарши маърифат билан
курашиш лозимлиги ҳақида кўп
гапираимиз. Маърифат, маърифий
билимлар, асосан, улуг аждодла-
римиз бизга қолдириб кетган мана
шундай ноёб ва муътабар китоб-
ларда жамланган.

Берунийнинг “Қадимги халқлар-
дан қолган ёдгорликлар” асари ҳам
инсонлар ақлу шуурига нур бўлиб
таралиши, эртанимизнинг давомчи-
лари бўлиш ёшларга маънавият
сарчашмаси бўлиб хизмат қилиши,
шубҳасиз.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

МАДАНИЯТ

АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАРНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ — МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Алишер ЁРҚУЛОВ,
Музей, маданий бойлик ва
археология соҳасида
давлат назорати бошқармаси
бошлиғи

Моддий маданий мерос
объектларининг ажралмас
қисми бўлган археология
объектларини муҳофаза
қилиш ва сақлаш ҳозирги
қуниимизнинг долзарб
муаммоларидан биридир.
Мамлакатимизда
археология мероси
объектлари 4200 дан ортиқ
эканидан ҳам англаш
мумкинки, маданий
меросимизнинг ярмидан
кўпини археологик
мерослар ташкил этади. Бу
эса ўз-ўзидан муаммолар
кўлами ҳам шунга яраша
эканини кўрсатади.

Жорий йилнинг 19 июнида “Ўзбе-
кистон Республикаси Туризм ва спорт
вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос
агентлиги фаолиятини ташкил этиш
ҳамда соҳани инновацион ривожлан-
тириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
Президент қарори қабул қилиниши
ҳам моддий маданий мерос объект-
лари, жумладан, археология мероси
объектларини муҳофаза қилиш ва сақ-
лашнинг самарали тизимини ишлаб
чиқишга қаратилгани билан аҳамият-
лидир. Шунингдек, бу борадаги ишлар
Маданий мерос агентлигининг вазифа
ва функцияларидан келиб чиқиб, ар-
хеология соҳасига оид баъзи муаммо-
ларнинг ечимини топишга қаратилиши
лозим.

Археология мероси объектларини
сақлаш ва улардан фойдаланиш бора-
сида бир қатор ишларни амалга оши-
риш мақсадга мувофиқдир.

Жумладан, ҳалокат ёқасига келиб
қолган археология мероси объектлари
рўйхатини шакллантириш ва илмий-
эксперт кенгашига киритиб, уларда
босқичма-босқич зудлик билан архео-
логия тадқиқотларини ўтказиш муҳим
ҳисобланади.

Бундан мақсад шуки, агар антропо-
ген ёки техноген сабаблар натижасида



йўқолиш хавфи остида қолган объект-
ларни бугун ўрганмасак, эртага кеч
бўлади. Аниқроқ айтганда, улар бутун-
лай йўқ бўлиб кетиши, моддий мада-
ниятимизнинг муайян қисми сифатида
ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Обь-
ектларни сақлаб қолишнинг оқилона
йўли уларда археология тадқиқоти
ўтказиб, музейлаштириш ёки консер-
вациялашдир.

Янги аниқланган археология ме-
роси объектларини илмий-эксперт
кенгашига киритиб, моддий маданий
мерос объектлари рўйхатига қўшил-
са, уларнинг муҳофазаси ишончли
таъминланади.

Шунингдек, археология мероси
объектларининг каталогини яратишни
давом эттириш керак. Ушбу тадбир-
нинг амалга оширилиши археология
мероси объектларининг оммалашуви-
га, уларнинг илмий муомаласига кирити-
лишига йўл очади.

Қазишма ўтказилган археология
мероси объектлари рўйхатини шакл-
лантириш эса моддий маданий ме-
росимизнинг ўрганилиш даражаси ва
уларнинг ўрганилмаган қисми ҳақида
муайян фикр юритиш, келгусида ар-
хеология соҳасида амалга ошири-
ладиган ишларни режалаштиришга
хизмат қилади. Қазишма ўтказилган
археология мероси объектларини
консервация қилиш ва уларни туризм
объектига айлантириш ҳам муҳим ма-
салалардан. Чунки ҳозиргача қазиш-
малар ўтказилган археология мероси
объектларининг деярли ҳеч қайсиси
тўлиғича консервация қилинмаган.
Бу эса археология мероси объектла-
рининг ҳолати ёмонлигига қўлишига
ва уларнинг қисман йўқолишига олиб
келади. Агар қазишма олиб борилган

археология объектларини консерва-
ция қилиш йўлга қўйилмаган бўлса,
аввал объектнинг сақланиб қолишига,
қолаверса, уларнинг туризм объекти
сифатида иқтисодий фойда келтири-
шига эришишимиз мумкин.

Археология мероси объектларини
муҳофаза қилиш борасида қилишимиз
лозим бўлган ишлар талайгина. Хусус-
ан, археология мероси объектларини
нинг аниқ чегараси ва муҳофаза худ-
ди белгиланмагани оқибатида ҳўжалик
юритиш субъектлари билан шуқуқий
муаммолар келиб чиқмоқда. Шу маъно-
да археология мероси объектларининг
аниқ чегараси ва муҳофаза худудини
белгилаш лозим. Бу билан бугунги кун-
да учраётган жуда кўп муаммоларнинг
олди олинади.

Археология мероси объектларига
муҳофаза белгиларини ўрнатиш ёр-
дамида фуқароларга объектнинг аниқ
белгиланган худуд эканини кўрсатиш
мумкин бўлади. Шу ўринда айтиш
жозик, аҳоли пунктлари ва қишлоқ
ҳўжалиғи экин майдонлари орасида қо-
либ кетган археология мероси объект-
ларини муҳофаза худуди билан бирга
тўсиқлар ёки сим тўрлар билан ўраш
зарур. Зеро, шу билан ҳам уларнинг
сақлаб қолинишини таъминлашга эри-
шилади.

Яна бир масала шундаки, ҳозирги
кунда айрим археология мероси обь-
ектларидан қабристон сифатида фой-
даланиб келинмоқда. Бу ҳолат улар-
нинг бузиллиб кетишига олиб келмоқда.
Жойлардаги мутасаддилар қабристон-
лар учун бошқа жой ажратиш масала-
сини ҳал қилса, муаммони бартараф
этса бўлади. Акс ҳолда, археология
мероси объектларини узоқ вақт сақлаб
қолишнинг имкони бой берилади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Таҳририятга келган кўлэзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган
ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли
чоп этилишига “KOLORPAK” М-ЎЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 3085.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.
76354 нусхада босилди.

“KOLORPAK” М-ЎЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаххих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 01:55 Топширилди — 05:15